

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1700-ҳадис

1700/4634 – عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَا أَحَدَ أَعْيُرُ مِنَ اللَّهِ، وَلِدَلِكِ حَرَمَ الْفَوَاحِشِ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَّنَ، وَلَا شَيْءٍ أَحَبُّ إِلَيْهِ الْمَدْحُ مِنَ اللَّهِ، وَلِدَلِكِ مَدَحَ تَفْسَهُ.

1700.4634. Амрдан ривоят қилинади:

«Абу Воил Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилиб, шундай деди: «Аллоҳдан ғаюр рашклироқ ҳеч зот йўқ. Шунинг учун У Зот фаҳш ишларни: ошкорасини ҳам, яширинини ҳам ҳаром қилган. Аллоҳдан кўра мадҳни яхши кўрадиганроқ йўқ. Шунинг учун У Зот Ўзини мадҳ этган». «Буни Абдуллоҳдан эшитганмисан?» дедим. «Ҳа», деди. «У буни марфуъ\* қилиб айтганми?» дедим. «Ҳа», деди».

\* Марфуъ – Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга изофа қилинган сўз, феъл, тақрир ёки сифатдир.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
HUBUVVAT MARVAIDLARI